

2016-йил 20-июн.

Оиладасоғломмуҳитсоғлом бола тарбиялашнингасоси

ЖВХТХҚТМО институти “Педагогика-психология ва таълим менежменти”
кафедраси ўқитувчилари А. Комилова, Н.Тошпўлатова

Бугунги кунда юртимизда оилага жамиятнинг асосий негизи сифатида қаралмоқда. Соғлом ва мустаҳкам оила муҳитини яратиш, соғлом авлодни шакллантириш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борсидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган бир қатор қарор ва дастурлар қабул қилиниб ҳаётга тадбиқ қилинмоқда. Президентимиз Ислон Абдуғаниевич Қаримов ташаббуслари билан 2016 йилни “Соғлом она ва бола йили” деб эълон қилиниши ёшларни ҳар томонлама етук, жисмонан ҳам маънан соғлом ва баркамол қилиб тарбиялашнинг асосий негизи ҳисобланган оилага, инсон омилига бўлган эътиборнинг юксаклигидан далолатдир. Президентимиз таъкидлаганларидек, “Соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир”. Халқимиз соғлигини асраш ҳар бир кишининг инсоний муқаддас бурчи бўлиб қолаверади. Ҳақиқатдан ҳам азал-азалдан ҳар қайси ота-она ўз боласининг соғлом ва баркамол, ақл-заковатли ва бахтли бўлишини истаган. Шундай фарзандни вояга етказиш, уни ҳаётда муносиб ўринни эгаллашига эришиш ота-онанинг энг улуғ, энг муқаддас орзусидир. Биз соғлом деганда, нафақат жисмоний, балки маънавий жихатдан ҳам соғлом болани тушунамиз. Шу ўринда соғлом бола тарбиялашда асосий эътиборни оиладаги соғлом муҳитни яратиш масаласига қаратишни муҳим иш деб ўйлайман. Дарҳақиқат оиладаги муҳит бола шахсининг шаклланиб, ривожланиб ҳар томонлама камолга етишига бевосита таъсир этувчи омилдир. Шунини эътиборга олган ҳолда оилада соғлом муҳитни қарор топтириш муҳим аҳамиятга эгадир. Соғлом муҳитни яратишда аввало оила аъзоларнинг бир-бирларини тушуниши, қўллаб қувватлаши, самимий муносабат ва ҳар бир оила аъзосининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда муомалада бўлиш муҳим аҳамиятга эгадир. Оиладаги ўзаро муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари, маълумоти, оила аъзоларининг маданий-маънавий савиялари, ота-оналарнинг муомала маданиятлари ва бошқалар киради. Ота-оналар қанчалик маънавий бой, эътиқодли ва юқори маълумотга эга бўлсалар, шу даражада такомиллашган услуб орқали ўз фарзандларини тарбиялайдилар. Улар фақат маслаҳат бериш, маъқуллаш, рағбатлантириш, жазолаш, самимий суҳбатлар, фикр алмашиш

билангина эмас, балки шахсий намуналари, болалари билан биргаликда ишлаш, уларни меҳнат фаолиятига тортиш орқали ҳам тарбиялайдилар. Болалар билан биргаликдаги фаолиятда иштирок этиш уларга тарбиявий таъсир кўрсатишнинг энг самарали усулидир. Болалар оила аъзолари бўлмиш ота-оналари, ака ва опаларидан ўзаро муомала муносабатда бўлиш мезонларини, нима яхши-ю нима ёмонлигини, нима фойдали-ю нима зарарли эканлигини билиб оладилар ва аниқ тасаввурларга эга бўладилар. Оила аъзоларининг турмуш ва ҳаётий тажрибалари, маданий савиялари қанчалик бой бўлса, улар болалар билан шу даражада яхши мулоқотда бўла олишади, болаларнинг қизиқишларини ўстира олишади. Ёшларни жисмонан бақувват, ахлоқан пок, меҳнатсевар ва маданиятли бўлиб ўсишига ёрдам беришади. Ота-она намунаси болалар учун муҳим аҳамиятга эгадир. Оилада отанинг онага, онанинг меҳнатига, оиланинг бошқа аъзоларига, кўни-кўшнилари, қариндош-уруғлар ва жамиятдаги бошқа кишиларга бўлган муносабати бола қалбида яхшилик ва ёмонлик маъқул ва номаяқул ишлар ҳақидаги дастлабки тушунчаларни вужудга келтиради. Оила муҳити – бу ота-оналарнинг ва катта ёшдаги кишиларнинг ҳар тарафлама олиб борган тарбиявий иш натижалари, оила аъзоларининг ўзаро юксак ахлоқий муносабатларининг йиғиндиси ва катталарнинг ижобий таъсир кўрсатиш намунаси натижасидир. Мақсадга мувофиқ муҳит ота-оналар болалари билан бир-бирларини тушунадиган, ҳурмат қиладиган, уларни ҳар томонлама улғайиб камол топишини тўғри назорат қиладиган тарбиявий таъсирнинг усулларида тўғри ва унумли фойдалана олишда вужудга келади. Оиладаги тинчлик ва тотувлик, оила аъзоларининг бир-бирларига кўрсатилаётган ўзаро ҳурмати, меҳр-муҳаббати, бир-бирини ўзаро тушуниш каби ҳолатлар ота-оналар билан болалар ўртасида соғлом руҳий муҳитни қарор топтиради ва бу соғлом муҳит оилада ўсаётган ҳар бир боланинг камолотиغا ижобий таъсир кўрсатади ва баркамол шахс, комил инсонни тарбиялашга замин яратади. Оилавий тарбия ота-оналарнинг ўз фарзандларига меҳр-муҳаббатда бўлишларига ва болаларнинг ота-оналарини чуқур севишларига асосланганлиги учун ҳам кўпроқ аҳамият касб этади ва бошқа тарбиялардан фарқ қилади.

Ота-оналарнинг меҳр-муҳаббати бола учун энг кучли таъсир этувчи хиссиёт ҳисобланади. Психологларнинг фикрича агар фарзандингизни яхши фарзандбўлишини истасангиз-кун давомида 3 маротаба бағрингизга босиб, меҳрингизни беринг! Агар фарзандингизни яхши инсон бўлишини истасангиз-кун давомида 6 маротаба бағрингизга босиб, меҳрингизни беринг! Агар фарзандингизни комил инсон бўлишини истасангиз-кун давомида 12 маротаба бағрингизга босиб, меҳрингизни беринг! Шундай экан ота-оналар ўз

фарзандларидан меҳр-муҳаббатларини аямасликлари лозим. Биз оилани ҳаёт давомийлигини таъминлайдиган, келажак насллар тақдирига кучли таъсир кўрсатадиган тарбия маскани сифатида қабул қиламиз. Катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, одамийлик, меҳр-оқибат, ўз ватанига, халқига садоқатли бўлиш каби олижаноб фазилатлар айнан оила муҳитида шаклланади. Бола саломатлиги энг аввало мавжуд муҳитга яъни оила аъзоларининг бир-бирларига меҳрли, мурувватли бўлишлари, ғамхўрлик ва самимиятда бўлишларига боғлиқ. Саломатлик психологик категория ҳисобланиб унинг шарти бу соғлом оила муҳитидир. Оилада соғлом муҳитни қарор топтириш кўп жихатдан ота-онага боғлиқ. Она оилада маънавий-ахлоқий муҳитни сақловчи, барқарор этувчи ва фарзандлар тарбиясининг кўрғони ҳисобланади. Шарқда оила асосан ана шу мезон асосида таркиб топган. Соғлом оила яратиш ва уни соғлом шакллантиришнинг асосий шартларидан бири бу эр-хотиннинг биологик ва маънавий етук ёшда турмуш қуришларидир. Табиийки, соғлом боланинг туғилиши биринчи навбатда онанинг соғлиғига боғлиқ. Бўлғуси она илоҳий неъмат бўлмиш дилбандини тўққиз ой мобайнида ўз бағрида асраб-авайлаб, ёруғ дунёга келтиради. Ана шу жараёнда аёл қандай кунларни, қандай руҳий ҳолатни бошидан кечирса, бу албатта она вужуди орқали ҳомилага таъсир кўрсатади. Психологларнинг фикрича ҳар қандай ёшда она бўлишнинг ижобий ва салбий жихатлари мавжуд. Аёлни 21-27 ёшида она бўлиши ҳар томонлама қўллаб қувватлаб, ҳимояланади. Маълумки 21 ёшда бош мия диярли тўлиқ ривожланиб бўлади, инсоннинг жисмоний ва психологик ҳолати барқарорлашади, шунинг учун бу ёшдан бошлаб, оналикка энг идеал вақт бошланади. 21-27 ёшли аёл - етук инсон, ҳар томонлама тула шаклланган шахс ҳисобланади. Бу ёшдаги аёлларнинг ҳомиладорлиги аввало исталган, режалаштирилган, ижтимоий қўллаб қувватлайдиган ҳолат бўлиб, аёл ўзининг асосий аёллик вазифасини бажараётган бўлади ва бу ҳолатидан фахрланади. Соғлом болани тарбиялаш она қорнидаёқ амалга оширилиши лозим. Ўтмиш ва бугуннинг ҳаётий тажрибасини умумлаштириб шуни айтиш мумкинки бола тарбияси ота-онанинг илиқ муомаласи, улар орасидаги муҳаббат ришталаридан бошланиб ҳомила аён бўлганидан амалий жараёнга киради.

ПСИХОЛОГО-ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ РАБОТА ПО ОРГАНИЗАЦИИ САМОВОСПИТАНИЯ ПОДРОСТКОВ

**Н.Х.Тошпулатова, А.С.Комилова, Институт переподготовки и повышения
квалификации педагогических кадров г.Джизак, Узбекистан**

Аннотация: В работе описывается кризис подросткового возраста возникает в большинстве случаев главными в развитии личности подростка являются: формирование индивидуальности как высшего уровня ее развития, психологические факторы воспитания и самовоспитания.

Ключевые слова: кризис, личности, подростков, психологические, воспитание, возраст, педагогические, потребность.

Всестороннее развитие каждого человека - программная цель Республики Узбекистан - предполагает в качестве важного условия выявление творческого потенциала личности, формирование индивидуальности как высшего уровня ее развития.

Учителя знают, как тяжело работать в подростковых классах: трудно с дисциплиной, трудно с обучением. Подростки бывают разные - увлекающиеся и безразличные, энергичные и апатичные, с отсутствием интересов и огромным множеством таковых. Но довольно часто подростков объединяет одно - «волевая запущенность», отсутствие привычки к регулярному труду, к собранности.

Подростковый период - это период развития между детством и взрослостью, который имеет биологическое начало и определяемый культурой конец. Можно заключить, что хронологические рамки для этого периода имеют условный, ориентировочный характер [1].

В чем же состоят главные особенности подросткового возраста, существенные именно при воспитании волевых привычек?

Учителям и родителям хорошо известны сложности переходного периода, они знают о его трудностях и многие свои упущения в воспитании объясняют именно переходным возрастом. Опыт показывает, что в большинстве случаев главными в развитии личности подростка являются все-таки собственно психологические факторы воспитания и самовоспитания.

Большое значение самовоспитанию придавал Л.Н. Толстой. В юности он завел дневник, в котором фиксировал свои недостатки и намечал пути их преодоления. Благодаря работе над собой, он сумел преодолеть лень, тщеславие, лживость и многие другие дурные наклонности и выработал в себе человеколюбие, наблюдательность, творческое воображение, память. Известный французский философ Ж.П. Сартр даже утверждал, что «человек есть только то, что он сам из себя делает» подчеркивая определяющую роль самовоспитания в его личностном развитии.

Кризис подросткового возраста возникает в результате того, что у подростка появляются совершенно новые потребности, которые пока никак не удовлетворяются. Не удовлетворяются они по двум причинам: во-первых, в самом подростке еще недостаточно развиты те психологические возможности, способы деятельности, с помощью которых он мог бы удовлетворить их, и, во-вторых, в его окружении - в ближнем и дальнем - не всегда создаются достаточные условия для удовлетворения возникших новых потребностей.

Первая потребность- «какой я, как меня воспринимают, чем я отличаюсь от других» - обретает спонтанный характер именно в подростковом возрасте. У подростка развивается и укрепляется теоретическое мышление, возникает особая форма самосознания - рефлексия, т.е. способность к самоанализу. У некоторых подростков эта потребность так велика, что они заводят дневники, где анализируют каждый свой поступок, каждое сказанное слово. Этими дневниками очень дорожат и лишь в виде

особого доверия разрешают другим их читать. Дневники - только иногда «напоказ», а чаще всего для себя, для самопознания. Проведенные нами психолого-педагогические исследования дают выводы о том, что подростки, которым несвойственна выраженная потребность в самопознании, очень часто «застревают» на каком-то этапе личностного развития. Это приводит таких подростков даже к стойкому снижению познавательной потребности уже в старших классах. Нет никакого сомнения в том, что потребность в самопознании крайне необходима для развития личности. Результат такого самопознания не в медленном преодолении всех недостатков, а в том, что оно, как деревце, начнет плодоносить через много лет. Это основа самовоспитания. Другая важнейшая потребность в этом возрасте - **потребность в самоутверждении**. Нам бы хотелось привлечь внимание к другой стороне этой потребности - к потребности утвердиться в мире взрослых. Не стать таким, как взрослый, а таким, с которым считаются взрослые. Подросток ощущает потребность самоутвердиться и в мире сверстников, и в мире взрослых, очень часто у него есть взрослые-идеалы, которым он стремится подражать, на мнение которых он ориентируется.

У подростка, как у маленьких детей, ярко выражена потребность «быть хорошим» в глазах окружающих. Но и только в том случае, если эти окружающие заслуживают, по его мнению, уважения. А когда для подростка не существует авторитетов - это уже подростковые неврозы, вина за которые лежат на учителях.

Обе описанные выше потребности соединяются и развиваются в новой, очень заметно проявляющейся у подростка потребности в самовоспитании. Самовоспитание постепенно подводит учащегося к активизации и внутреннему принятию более широкого круга стремлений, и в первую очередь - стремлений культурных, развивает вкус к созданию собственной личности. Такая педагогическая работа требует от учителя деликатности, высокого уважения к ребятам, завоевания их доверия.

Подростки очень хаотичны в своем стремлении к

самосовершенствованию. Большинство из них практически не знают, что и как делать.

Сама психологическая природа подросткового возраста приходит на помощь к родителям и учителям. И их задача - воспользоваться этой помощью, суметь организовать школьников таким образом, чтобы их потребность в самовоспитании реализовалась действительно в новых способах поведения и деятельности [5].

Известный французский философ Ж.П. Сартр даже утверждал, что «человек есть только то, что он сам из себя делает» подчеркивая определяющую роль самовоспитания в его личностном развитии.

Все это говорит об исключительно важной роли самовоспитания в развитии и формировании личности и о необходимости его организации в условиях школьного воспитания. Вот почему теоретические и методические основы самовоспитания активно разрабатываются в психологии и педагогике и, в частности, такими учеными, как А.Г. Ковалев, Д.М. Гришин, А.И. Кочетов, Л.И. Рувинский и др. [3].

Самовоспитание как процесс усвоения человеком, опыта предшествующих поколений, широко представлен в исследованиях разных наук, связанных с развитием человека. Среди них общая, возрастная и социальная психология (А.Я. Арет, Л.С. Выготский, И.С. Кон, В.Г. Маралов, Л.И. Рувинский, Н.П. Чеснокова); социология (Н. Смелзер); гигиена (С.Н. Попов, Д.А. Фарбер). Самовоспитание личности сводится к постепенному формированию готовности реагировать на что-либо должным образом, т. е. к формированию установок, полезных для человека и для общества [2].

Таким образом, самовоспитание - систематическая и сознательная деятельность человека, направленная на саморазвитие и формирование своей базовой культуры. Проблемой самовоспитания занимались и занимаются сейчас многие педагоги и психологи. Самовоспитание призвано укрепить и развить способность к добровольному выполнению обязательств как личных,

так и основанных на требованиях коллектива, формировать моральные чувства, необходимые привычки поведения, волевые качества. Самовоспитание - составная часть и результат воспитания и всего процесса развития личности [4]. Оно зависит от конкретных условий, в которых живет человек.

И Т Е Р А Т У Р А

- 1. Матюхина М.В., Михальчик Т.С., и др, Возрастная и педагогическая психология: -М., 1984. - 512 с.**
- 2. Кочетов А.И. Организация самовоспитания школьников. Мн, 1990.**
- 3. Кочетов А.И. Личность воспитывает себя. - М., 1983.**
- 4. Развитие, социализация и воспитание личности: Региональная концепция / Под ред. Е. Н.Шиянова. - Ставрополь, 1993.**
- 5 .Кириллов В.К., и др. Социально-психологические проблемы самосовершенствования личности Чебоксары, 1994. - 268 с.**

Сведения об авторах

1. Фамилия, имя, отчество – Тошпулатова Нодира Худжамуродовна
 2. Ученая степень и звание - преподаватель
 3. Место работы, должность-ДжОИПКПКПК
 - 4.Тема доклада (секция) ПСИХОЛОГО-ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ РАБОТА ПО ОРГАНИЗАЦИИ САМОВОСПИТАНИЯ ПОДРОСТКОВ
 5. Телефон +998946649683
 6. E-mail **berpar19541203@inbox.uz**
-
- 1.Фамилия, имя, отчество—Комилова Азиза Сунатуллаевна
 2. Ученая степень и звание - преподаватель
 3. Место работы, должность- ДжОИПКПКПК

4.Тема доклада (секция)) ПСИХОЛОГО-ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ РАБОТА ПО ОРГАНИЗАЦИИ САМОВОСПИТАНИЯ ПОДРОСТКОВ

5. Телефон +998902650831

6. E-mail **berpar19541203@inbox.uz**

ЖВХТХҚТМОИ ўқитувчиси

Махаматова Феруза Сафаралиевна

Оилада фарзанд маънавий тарбиясига рухий таъсирлар.

Оила ва ундаги фарзанд тарбияси ота-оналарнинг энг муҳим ва истикболли бурчи бўлиб, бу уларга юксак масъулиятни юклайди.

Оила ва унинг муқаддаслигини сақлаш давлат сиёсати даражасигача кўтарилган. Бунинг асосий мақсади ўзбек оиласини янада мустаҳкамлаш ва улардаги ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялашдан иборатдир. Бола тарбиясида ота-онанинг ўзаро муносабатлари мустаҳкам маънавий ва моддий асослигига шубҳа йўқ ва шунинг билан ҳозирда эр ва хотиннинг оилада тенг ҳуқуқлилиги ҳам таъминланган. Бу борада ота-оналарнинг фарзанд тарбиясига кўрсатаётган таъсирлари (хоҳ ижобий бўлсин, хоҳ салбий), уларнинг маънавий дунёқараши, ҳаётий тажрибаларидаги уйғунлик ва ҳамжиҳатлик болаларига шу таъсирини ўтказади. Аммо, минг афсуслар бўлсинки, оиладаги ички низолар оиладаги зиддиятларни келтириб чиқаради. Шунингдек, ота-оналарнинг фарзандига меъёридан ортиқ мол ҳадя этиш, уларнинг барча хоҳиш – истаклари ва ҳаттоки айрим ҳолларда талабларини бажариш ҳам оиладаги носоғлом муҳитнинг юзага келишига сабаб бўлади.

Демак, оилада боланинг рухий ва жисмоний жиҳатдан соғлом бўлиб ўсиши ва соғлом турмуш тарзининг шакллантирилиши оиладаги ҳар қандай

ҳолатдаги ижобий муносабатларнинг юзага келишига асос бўлади. Бунда ота-онанинг турмуш тарзи, яъни уларнинг маънавий қиёфаси ва интеллектуал салоҳияти бола тарбиясида амалий жиҳатдан асос бўла олади. Чунки, ота-она болалари учун азиз ва муқаддас кишилар бўлиб, улар “андоза” вазифасини бажара олиши ниҳоятда муҳимдир.

Афсуски, ҳозирги кунда баъзи ўзбек oilаларида бола тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ҳолатлар бор. Улар: ота-оналарнинг ўзаро қўпол муносабатлари; oilа аъзолари ичида кашандачиликка рўжў қўйиш; шаробхўрликни одат тусига келтириб олишлари; oilа аъзоларининг ҳаддан зиёд тадбиркорликка берилиб кетиши (чет элларга турли мақсадларда бориб келиши, oilавий тадбиркорликни устин қўйиб, oilани, бола тарбиясини эсдан чиқариб қўйиш ва шу кабилар).

Буларнинг ҳаммасига бўлмаса ҳам баъзиларига фарзандингизнинг тақлид қилиб қолиши ҳеч гап эмас. Бу тарбияда юттиришнинг ўзгинасидир. Ёки ҳурматли ота-она Сизда ҳеч кўрмаган салбий ҳолатни кўриб фарзандларингиз дастлаб ҳайрон бўлиб қарайди. Мазкур ҳолатга фарзандингиз дастлаб ҳайрат билан қараса, аста-секин бу ҳолатга улар мослашади ва ҳаттоки уларнинг ўзи ҳам ушбу жараёнга кириб бориши мумкин.

Болам баркамол бўлсин, деган ҳар қандай ота–она, ўз фарзандларини ёшига қараб нутқини ва ҳисоблаш тафаккурини ўстириши, шунингдек, уларда меҳнат ва меҳнат одобини шакллантирилиши, ҳар хил салбий ҳолатларга нафрат уйғотишга эришиши, доимо фарзандининг ота–она сўзлари ва кўрсатмаларига қулоқ солишлари кабиларга ўргатиб бориш лозим бўлади. Бунда ота – она ибрати билан биргаликда одоб – ахлоққа оид ҳикмат, ҳикоят, ривоят ва эртаклардан фойдаланган маъқул ҳамда пировард натижада уларнинг ҳар бирига муносаба билдиришига эътибор бординг. Ота – она ибрати ҳам фарзандларини тўғри тарбия олишлигига асосий сабаблиги ҳеч кимдан шубҳа уйғотмайди. Шунинг билан бирга айрим ота – оналар баъзан

ҳолларда болаларига етарлича талабчанлик қилмайди-да, фарзандларда учраган баъзи камчиликларни уларнинг соддалигига йўяди. Бундай ҳолларда ҳурматли ота – она эътиборсиз бўлманг, чунки бу болаларча соддалик эмас, балки беодобликдир. Бу эса яққол кўзга ташланадиган камчилик бўлиб ҳисобланади. Оилада бўладиган мулоқотнинг софлиги, мазмундорлиги, оиладаги болаларнинг ҳулқ – атворига, маънавий – камолотига таъсирини кучайтириш кўп ҳолда ота – она ўртасидаги ва уларнинг болалар билан бўладиган ўзаро мулоқотига боғлиқ. Оиладаги ўзаро мулоқот бу ҳаётий эҳтиёж, болани ижтимоий ва маданий ҳаётга тайёрлашнинг асоси. Мазкур фикр оилада ота–онанинг бола тарбиясидаги масъулияти нечоғлик буюк эканлигини англатади. Ўз навбатида фарзандлар ҳам оиланинг қувончи, давомчиси, ота–онанинг таянчи ва энг асосийси улар жамиятнинг ҳаётбахш кучидир. Бундай ҳолатларда оиладаги маънавий – ахлоқий тарбиянинг роли аҳамиятли бўлиб, фарзандларда кўпол муносабатларга нафрат уйғотиш керак бўлади. Бунинг учун ота – она фарзандларининг ҳиссиётларига бефарқ бўлмаслиги керак ва аксинча уларнинг мавжуд изтироб ва ташвишларига шерик бўлишга ҳамда уларни тушунишга интилиш керак. Ушбу жараёни муваффақиятли амалга ошира олсангиз фарзандларингиз Сизга дўст бўлиб, ўзларининг ички ҳиссиётларини ҳам сиздан яширмайдиган бўлади ва қолаверса улар ҳаёт сўқмоқларида сизга яқин ёрдамчилар ҳам бўла олади. Мазкур фикрларнинг тасдиғини тадқиқотчи Ф.Йўлдошеванинг қуйидаги фикридан ҳам топишимиз мумкин: “Болага бериладиган тарбиянинг 70 фоизи она орқали сингдирилиши аллақачон исботланган. Ота – оналарнинг болаларга етарлича вақт ажратмасликлари натижасида оиладаги шахслараро муносабатлар юзага келаётган нохуш ходисалар: ота – она ва фарзандлар ўртасидаги зиддиятларнинг пайдо бўлиши, болаларнинг уйдан кетиб, жиноят йўллариغا кириб қолишлари, ака – уку ва опа – сингиллар ўртасида жиддий низоларнинг содир этилиши ва турли салбий оқибатлар кузатилмоқда.

Демак, оилада болаларни қўпол муносабатга нафрат руҳида тарбиялашда энг аввало уларда соғлом турмуш тарзига хос одатларни шакллантириш керак бўлар экан.

Шунингдек, оилада болаларга сингдирилиши лозим бўлган тарбиянинг мазмун – моҳиятини Ватанга муҳаббат, меҳр – оқибат, ўзаро ҳурмат каби юксак инсоний фазилатларни шакллантирилишлар ташкил этилса, оиладаги юқоридаги каби салбий ҳолатлар юз бермаслиги мумкин.

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, Эркин ва фаравон ҳаёт – пировард мақсадимиз. – Т. “Ўзбекистон”, 2000. – Б 25.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”. “Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори”. – Т: “Шарқ”, 1997 й
3. Тўракулова И.Х. Оилада болаларнинг маънавий сифатларини тарбиялаш // «Таълим тизимида ижтимоий - гуманитар фанлар». ИМЖ-Т.: 2012.-2-сон.